



# International Congress on Biological, Physical And Chemical Studies

*International Congress on Biological, Physical And Chemical Studies - is an international conference platform under open access policy. The conference is led by international expert members who take an objective approach to peer review, ensuring each research paper is reviewed, edited by authors and evaluated on its own scholarly merits and research integration. Publishing and joining on the proceeding of the International Congress on Biological, Physical And Chemical Studies will ensure publishing experience and indexing possibilities on various global indexing.*

## Кекса Ёшдаги Беморларда Юрак Ишемик Касаллиги Ва Артериал Гипертония Фонда Систолик Артериал Босим Вариабеллигининг Таҳлили

Холматов Ш. А., Тулабоева Г. М., Толипова Ю. Ш.,  
Сагатова Х. М., Адилова И. Г., Абдукодирова Н. М.  
Medion Innovation клиникаси, Тиббиёт ходимларининг касбий  
малакасини ривожлантириш маркази

**Тадқиқот мақсади.** Ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади ишемик юрак хасталиги (ЮИК) ва артериал гипертония (АГ) билан бир вақтда касалланган кекса ёшли беморларда систолик артериал босимнинг визитлараро вариабеллиги даражасини аниқлаш, бу кўрсаткичнинг антигипертензив терапия шакллари ва суткалик қон босими динамикасининг dipping хусусиятлари билан боғлиқлигини чуқур таҳлил қилишдан иборат.

**Материал ва усуллар.** Тадқиқот 2022–2024 йиллар мобайнида Тошкент шаҳридаги “Medion Innovation” ихтисослаштирилган клиникада олиб борилди. Жами 116 нафар кекса ёшли бемор текширувга жалб этилди. Уларнинг 60 нафариди ЮИК ва АГ биргаликда қайд этилган бўлса, 56 нафариди фақат АГ аниқланган. Барча беморларда ишемик касаллик ESC 2021, АГ эса ESC/ESH 2023 тавсиялари асосида аниқланди. Артериал босим (АБ) Коротков усулида 3 марта ўлчанди ва суткалик мониторинг орқали dipping турлари (dipper, non-dipper, overdipper) таснифланди. Гипотензив терапия шакллари ва уларнинг фоиздаги қайдлари таҳлил қилинди. Корреляцион таҳлил Пирсон коэффиценти ёрдамида амалга оширилди. Статистик ишлов STATISTICA 6.0 ва Excel 2013 дастурлари орқали олиб борилди; ишончлилиқ даражаси  $p < 0,05$  этиб қабул қилинди.

**Олинган натижалар.** Визитлараро систолик артериал босим (САБ) вариабеллиги ЮИК + АГ гуруҳида  $7,38 \pm 3,23$  мм сим. уст., фақат АГ гуруҳида эса  $5,07 \pm 2,81$  мм сим. уст. бўлди. Иккала гуруҳ ўртасида ишонарли фарқ қайд этилди ( $p < 0,01$ ). Non-dipper ҳолати ЮИК + АГ гуруҳида 98,3% беморда, фақат АГ гуруҳида эса 71,4% беморда аниқланди ( $p < 0,001$ ). Overdipper ҳолатлари аниқланмади. Бундан ташқари, 1-гурўҳда 23,3% беморда монотерапия қўлланилган, бу эса АД барқарорлигига салбий таъсир қилган. Қўлланилган гипотензив воситаларнинг таҳлилига кўра,  $\beta$ -блокаторлар (76,7%), ИАПФ (65,0%), кальций антогонистлари (КА) (65,0%) кенг қўлланган, аммо диуретиклар ва сартанлар етарлича тўлиқ эмас. Корреляцион таҳлил САБ вариабеллиги ва даволаш усуллари ўртасида ишонарли боғлиқликни аниқламади ( $r = -0,25$ ,  $p = 0,054$ ), аммо клиник тенденциялар мавжудлиги қайд этилди.

**Хулоса.** ЮИК ва АГ билан касалланган кекса ёшли беморларда систолик артериал босимнинг визитлараро вариабеллиги юқори бўлиб, бу ҳолат тундаги қон босимининг физиологик пасайиши бузилгани (non-dipper) ва антигипертензив терапиянинг самарасизлиги билан боғлиқ. Бу ўзгаришлар миокардга юклама, ремоделланиш жараёнларининг кучайиши ва умумий юрак-қон томир хавфининг ошишига олиб келиши мумкин. Шу муносабат билан артериал босимнинг барқарорлигини таъминлаш, суткалик мониторинг натижалари асосида индивидуал терапия режаларини шакллантириш, монотерапиядан сақланиш ва АК ҳамда сартанларни комплекс равишда қўллаш муҳим аҳамиятга эга.